

И.Шералиева, Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти

УДК: 619:616.981.45.571.1

ПАСТЕРЕЛЛЁЗ ВА ДИПЛОКОККОЗ КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ ВАКЦИНАНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация

Данный вакцина является вакциной против пастереллёза и диплококкоза овец. Экспериментальная однократная вакцинация даёт результат 6-9-месячного иммунитета. Вакцина против диплококкоза овец вводится подкожно однократно для овец 3 мл, для ягнят 2 мл.

Summary

Is determined using and keeping the immunity vaction during 6-9 months of the lambs ante illness pasterillouse and diplococcose. That's why it is possible to inocuation the lambs and sheeps once by 3ml for sheeps and by 2 ml for lambs under the skin..

Республикаимиз Президентининг чорвачиликни ривожлантириш бора-сида 2006 йил 23 мартдаги ПҚ- 308 қарори, шунингдек 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ- 842 қароридан келиб чиқиб шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чоратadbирлари биз ветеринария мутахассислари учун муҳимдир.

Шунингдек эпизоотик касалликларни бартараф этиш, ҳайвонлар бош сонини кўпайтириш, асосий муаммага эга бўлган касалликларни олдини олиш, даволаш чор-тадбирларини ишлаб чиқиш жуда зарур.

Республикаимиз қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган чорвачиликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўиш ва уни етарли даражада маҳаллий ресурслардан ишлаб чиқилган ҳамда кенг доирада фойдаланиш мумкин бўлган ветеринария дори-дармонлари билан таъминлаш бугунги кунда ветеринария фаолиятининг муҳим вазифаларидан биридир. Маълумки, ҳайвонларнинг юқумли касалликлари чорвачилик учун энг катта хавф бўлиб ҳисобланади ва

соҳанинг ривожланиши юқори рентабилликка эришишга тўсқинлик қилади. Чунки, юқумли бактериал касалликларда касалланиш ва ўлиш даражаси юқори, касалликлар жуда оз вақтда кенг ҳудудга тарқалади, олдини олиш ва даволаш каби тадбирларга кўплаб маблағ сарфланади. Шунинг учун чорвачилик хўжаликларида бактериал юқумли касалликларнинг эпизоотологиясини ўрганиш, олдини олиш ва даволаш воситаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Табиатнинг ўзгарувчан вазиятлари, ветеринария-санитария қоидаларининг бузилиши юқумли касалликларнинг ҳуруж қилишига олиб келади. Ёш моллар рацонида оксиллар, углеводлар, ёғлар, макро-микро элементларнинг етишмаслиги каби ҳолатлар ҳам юқумли касалликларнинг пайдо бўлишида асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Ветеринария хизмати тизимида биология ва биокимёвий препаратларнинг етишмаслиги муаммони янада чуқурлаштириб юқумли касалликларнинг кенгроқ тарқалишига сабаб бўлади.

Пастереллёзнинг жаҳон бўйича тарқалганлигини ва катта зарар етказишини С.И.Джупина, А.А. Колосов (1992), L.Guler et al.(1996) каби олимлар таъкидлаганлар. Пастереллёзга қарши биопрепаратлар яратиш ва иммунитет масалалари тўғрисида Ж.М. Парманов (2001), Л.Я.Ставцева ва бошқалар (2003) маълумот беришган.

Диплококкоз касаллиги қишлоқ хўжалиги ва ёввойи ҳайвонларнинг юқумли бактериал касаллигидир. Касаллик ўпканинг яллиғланиши, сепсис, артрит, ичакларнинг яллиғланиши, лимфа тизимининг жароҳатланиши билан кечади. Қўзилар орасида диплококкоз билан касалланган ҳайвонларнинг ўлиш даражаси 20-25 фоизни ташкил этади.

Қўзиларни турли дозаларда вакцина билан эмлаш.

1-жадвал

Т/Р	Ҳайвон сони (бош)	Доза (мл)	Т/Р	Ҳайвон сони (бош)	Доза (мл)	
	Бир марта эмлаш			Икки марта эмлаш		
					I марта	II марта
1	3	3	4	3	2	3
2	3	4	5	3	3	3
3	3	5	6	3	3	4
			7	3	3	5

Касалланиб тузалган ҳайвонлар ўсиш ва ривожланишдан ортда қолади ҳамда диплококк ташувчи бўлиб ҳисобланади (Ситдиқов А.К., Бурлуцкий И.Д. 1990, Махматкулов М.А., Ибадуллаев Ф.И., Элмуродов Б.А. 2001, Абджалимов С.Х., Элмуродов Б.А. 2008).

И.И. Архангельский икки серотип диплококкоз штаммидан суюқ формол вакцина тайёрлаган. Вакцинанинг тажриба сериясини оқ сичқонларда қўёнларда ва бузоқларда синаб кўрган ва ижобий натижаларга эришган. Э.Г. Мамацев ўзининг тадқиқотларида диплококкозга қарши формол вакцинанинг оқ сичқонлар ва қўёнларга эмлаб сўнгра патоген диплококкларни юқтириб имуногенлик хусусиятларини ўрганган ва ижобий натижа олган. Аммо катта ҳайвонларда ушбу вакцинани синаб кўришмаган.

Касалликни кечиш клиникаси, даволаш ва олдини олиш масалаларини ўрганиш бўйича Чепуров К.П. Черкасова А.В.; Григорян М.И. (1966) Вылугжанен А.В. (1967), Акопян М. (1972), Козловский Е.М., Емеляненко П.А., (1982), Сытдиқов А.К., Бурлуцкий И.Д. (1990)

Махматкулов М.А. Абдусатторов А.А. (1999), Махматкулов М.А. Парманов Ж.М (2000),

Махматкулов М.А., Элмуродов Б.А. (2002), Элмуродов Б.А., Абдалимов С.Х. (2004, 2007) Элмуродов Б.А. Ибадуллаев Ф.И. (2008) каби олимлар маълумотлар келтиришган.

Бозор иқтисодиёти турли бошқарув тизимларига (фермер, хусусий ширкат ва х.к.) асосланган республика чорвачилик хўжаликларида бошқа юқумли касалликлар қаторида пастереллёз ва диплококкоз касалликлари кўплаб учрамоқда ва ҳайвонлар алмашинувининг тезкорлиги (бозорлар) туфайли кенг тарқалиш хавфини юзага келтирмоқда.

Қўй ва қўзилар орасида пастереллёз ва диплококкоз касалликларини даволаш ва касалликларга қарши курашиш тадбирлари учун катта маблағ сарфланади. Бу каби омиллар эса Республикаимизда чорвачиликни ривожлантиришда тўсқинлик қилади. Бундан ташқари касалланиб тузалган қўй ва қўзилар ўсиш ва ривожланишдан ортда қолади, ҳамда организмнинг

Эмланган қўйлар қон зардобиди диплококкозга қарши антителалар титр динамикаси (АР).

2-жадвал

Асосий гуруҳлар	Кичик гуруҳлар	Эмлаш тартиби		Эмланган қўйлар сони	Антителолар титри	
		1 маротаба	2 маротаба		15	30
I Бир марта эмланган	1	3 мл	-	3	1:200	1:400
	2	4 мл	-	3	1:400	1:600
	3	5 мл	-	3	1:600	1:800
II Икки марта эмланган	4	2 мл	3 мл	3	1:800	1:1200
	5	3 мл	3 мл	3	1:800	1:1400
	6	3 мл	4 мл	3	1:400	1:800
	7	3 мл	5 мл	3	1:600	1:1200

чидамлилиги иммунитетнинг пасайиши каби салбий ҳолатлар келиб чиқади. Бу каби омиллар катта иқтисодий зарарни келтириб чиқариши мумкин.

Хорижда бузоқ, қўзи ва чўчка болаларининг пастереллэз ва диплококкоз касалликларига қарши вакцина ва гипериммун қон зардоблари ишлаб чиқарилмоқда аммо уларни келтириш катта иқтисодий қийинчиликларни туғдирмоқда.

Пастереллэз касалликларига қарши ГОА фармол вакцина ЎзВТИ да (Парманов Ж.М., Парманов М.П., Элмуродов Б.А., С.Х.Абдалимов 1999) яратилган бўлиб, ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Диплококкозга қарши хорижда яратилган вакцинанинг иммунитет давомийлиги 4 ойгача давом этади. Республикада илк бор (Элмуродов Б.А., Махматулов М., Абдалимов С.Х.) маҳаллий штаммлар ва хом ашёлар асосида яратилган вакцина 6 ойгача иммунитет давомийлигини сақлайди. Бу эса чорвачилик хўжаликларини диплококкоз касаллиги келтириши мумкин бўлган талофатдан сақлайди.

Ҳозирги кунда бизнинг тадқиқотларимиз натижасида Ўзбекистон ветеринария илмий тадқиқот

институтини ёш моллар касалликларини ўрганиш лабораториясида қўй, қўзилар пастереллэз ва диплококкоз касалликларини олдини олиш мақсадида маҳаллий культуралардан фойдаланиб, лабораторияда пастереллэз ва диплококкозга қарши ассоциацияланган экспериментал ГОА фармол вакцина ишлаб чиқилди.

Илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадида лабораторияда мавжуд пастерелла ва диплококк штаммларидан касалликларга қарши экспериментал ГОА фармол вакцина юқоридаги босқичдаги тартибда тайёрланиб, тегишли назоратдан ўтказилди. Қўй ва қўзилар пастереллэз ва диплококкозига қарши экспериментал ГОА фармол вакцинанинг оптимал дозасини аниқлаш мақсадида 21 бош қўзи 2 та асосий гуруҳга ажратилди. I гуруҳ қўзилар бир марта вакцина билан эмланади. II гуруҳ икки марта 15 кун оралик билан пастереллэз ва диплококкозга қарши экспериментал ГОА фармол вакцина билан эмланиди. Ҳар бир гуруҳ бир неча майда гуруҳларга ажратилиб, 1-жадвалда кўрсатилганидек, ушбу вакцинанинг турли дозалари билан, асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилган ҳолда тери остига эмланиди.

3-жадвал.

Эмланган қўйлар қон зардобиди пастереллэзга қарши антителалар титр динамикаси (АР).

Асосий гуруҳлар	Кичик гуруҳлар	Эмлаш тартиби		Эмланган қўйлар сони	Антителолар титри	
		1 маротаба	2 маротаба		15	30
I	1	3 мл	-	3	1:400	1:800
	2	4 мл	-	3	1:600	1:800
	3	5 мл	-	3	1:800	1:1200
II	4	2 мл	3 мл	3	1:800	1:1400
	5	3 мл	3 мл	3	1:1200	1:1600
	6	3 мл	4 мл	3	1:1200	1:1200
	7	3 мл	5 мл	3	1:800	1:1200

Барча эмланган ҳайвонларнинг умумий аҳволи 5 кун давомида клиник кузатилди. Кузатув давомида ҳеч қандай асоратлар қайд этилмади. Эмлангандан 30 кун ўтгач улардан қон намуналари олинди ва уларда пастерелла ва диплококкларга қарши махсус антителолар титри агглютинация реакцияси (АР) ёрдамида аниқланиб иммунитет қуввати ўрганилди (2, 3-жадвал). Вакцинанинг оптимал дозаси махсус антителолар титри кўрсаткичида **Пастереллэзда** 30 кунликда биринчи гуруҳда 1:800, иккинчи гуруҳда 1:1800, учинчи гуруҳда 1:2400, тўртинчи гуруҳда 1:5200, бешинчи гуруҳда 1:3600, олтинчи гуруҳда 1:6400, етинчи гуруҳда 1:3600. **Диплококкозда** эса биринчи гуруҳда 1:400, иккинчи гуруҳда 1:600, учинчи гуруҳда 1:800, тўртинчи гуруҳда 1:1200, бешинчи гуруҳда 1:1600, олтинчи гуруҳда 1:800, етинчи гуруҳда 1:1200 даражани ташкил этди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, мазкур ўтказилган тадқиқотлар натижасида қўзиларнинг пастереллэз ва диплококкоз касалликларига қарши ишлаб чиқилган вакцинанинг бир маротаба қўллаганда 1 ойлик иммунитет самарадорлиги пастереллэзда ўртача 1:900 ни икки марта вакцина билан эмланганда 1:1400 даражани ташкил этди. Диплококкозда бир марта вакцина қилинганда ўртача 1:900 даражани, икки марта вакцина билан эмланганда ўртача 1:1200 даражани ташкил этди. Бундан келиб чиқиб мазкур вакцина билан қўй ва қўзиларни биринчи маротаба 3 мл, иккинчи маротаба 3 мл тери остига эмлаш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Чепуров К.П. «Диплококковые и стрептококковые заболевания животных». Киев-1963.-160 с.
2. Конопаткин А.А. Эпизоотология и инфекционные болезни сельскохозяйственных животных. М. 1984.
3. Сытдинов А.К., Бурлуцкий И.Д., Болезни молодняка. Справочник. Ташкент М 1990.с 139.
4. Махматулов М.А., Ибодуллоев Ф.И., Элмуродов Б.А., «Қўйлар экспериментал диплококкозиди кузатилган патоморфологик ўзгаришлар. //Конф маъруз.матнининг тўплами. Самарканд 2001. 97-98 бет.
5. Элмуродов Б.А., Абдалимов С.Х., «Диплококкоз» журнал. «Зооветеринария». Тошкент-2008 №3 16-17 с.